Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 194 (6.385) · 1987 йил 27 август, пайшанба · Баҳоси 3 тийин

1917 1987

## Ғолиб коллектив

Турғун Раҳимов 1968 йилдан буён шаҳар қурилиш объектларида фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Орадан ўтган йиллар мобайнида бу моҳир қурувчи кўплаб янги шинам уйларни ишга туширишда қатнашди. Измайлов, Генерал Петров кўчалари, Луначарский шоссеси, «Шимолий-шарқ» массивида у барпо этган бинолар шаҳримиз ҳуснига-ҳусн қўшиб турибди.

**4-қурилиш трестига қарашли 38-қурилиш бошқармасининг моҳир бригада бошлиғи сифатида ҳам Турғун Раҳимов кўпчиликка таниш. У бошчилик қилаётган бригада бунёдкорлари йил бошидан буён Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига авж олдирилган социалистик мусобақада актив қатнашиб келишмоқда. Зиммасига олинган топшириқларни виждонан, ортиғи билан бажаришаётир.**

**Қурувчиларнинг самарали меҳнатлари эвазига Юнусобод массивида тикланаётган тўрт қаватли янги турар жой биносида қурилиш-монтаж ишлари тобора жадаллашмоқда. Йўлдош Бобомуродов, Иван Богатирев, Фатхиддин Азизов сингари коллективнинг пешқадам қурувчилари барча имкониятларни ишга солиб, топшириқларни 130 процентга етказиб бажаришмоқда. Янги уй Улуғ Октябрь 70 йиллиги нишонланадиган қутлуғ кунларда шаҳарликларга туҳфа этилади.**

**М. ФЕЛЬДМАН.**

## Тез ва сифатли

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақа якунида Наби Раҳматуллаев бошлиқ дурадгорлар бригадаси яна ғолиб деб топилди.

**Бу коллектив 3-уйсозлик комбинатига қарашли 3-пардозлаш қурилиш бошқармасида меҳнат қилади. Шу кунларда бу илғор коллектив ивановолик тўқимачилар микрорайонида бунёд этилган 9 қаватли 10 минг 100 квадрат метрли турар жой биносида сўнгги дурадгорлик ишларини олиб бормоқда.**

**— Август ойи топшириқларини ҳам якунладик, — дейди Н. Раҳматуллаев. — Хоналардаги паркет ишлари тугай деб қолди.**

**Ҳар бир ишчининг ойлик нормаси 1200 сўм бўлиб, дурадгорларимиз 1400—1500 сўмлик иш бажаришмоқда. Графикдан ўзишнинг ҳеч қандай сири йўқ. Биз олдин хоналарни паркетбоп қилиб тайёрлаб оламиз. Шундан сўнг иш тез ва сифатли қилиб бажарилади.**

## Тўқимачиларга қулайлик

Тошкент тўқимачилик комбинати маъмурияти ва касаба союз комитети тўқувчилар учун яна бир қулайлик яратди. Корхонанинг икки ёки уч сменага ўтказилиши муносабати билан уларга қарашли боғча ва яслилар ҳам янги шароитга мослаштирилди.

**— Комбинат фабрикаларида жорий қилинган бундай янгилик туфайли корхона маъмурияти тўқувчиларга қулайликлар туғдириш тадбирларини кўрди, — дейди комбинат касаба союз комитети раиси Т. Р. Бихно. Комбинатга қарашли болалар боғча ва яслилари икки сменада ишлашга ўтказилди. Шу билан бирга, айрим боғчаларни ҳисобга олмаганда узлуксиз ишлайдиган группалар ҳам очилди.**

**Ҳозирги кунда иш соати узайтирилган группалар ҳам бор. Барча болалар боғча ва яслилари шанба кунлари одатдагидек ишлайдиган бўлди.**

**Д. ОБЛАЕВ.**

**КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини муҳокама қиламиз**

# ИККИ РАЙКОМ — ИККИ ХИЛ ЁНДАШУВ

**Район партия комитетининг пленуми... Унинг таъсирчанлиги нимага боғлиқ? Бу ўринда кўп нарса аҳамиятлидир. Докладнинг қанчалар танқидий эканлиги, музокараларда айтиладиган гапларнинг конкретлиги, қарорнинг пишиқ-пухта ўйланганлиги. Бир шаҳарнинг икки район партия комитетини олиб кўрганимизда долзарб проблемаларни муҳокама қилишга ёндашув турлича бўлиб чиқди.**

## ТАНҚИДИЙ ПОЗИЦИЯДАН ТУРИБ

Киров район партия комитети пленуми бошланиши олдидан Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги партия ташкилотининг секретари А. Соқиев қаердадир охирги қаторлардан бирида ўтирган эди. Район партия комитетининг биринчи секретари Ш. Маҳмудованинг доклади тамом бўлиши биланоқ биринчи қаторга ўтиб ўтирди ва сўз беришларини илтимос қилиб, президиумга ёзув жўнатди. Минбарга чиқишга уни нима мажбур қилди экан?

Докладчи район территориясида Ўзбекистоннинг 25 министрлик ва идоралари борлигини, улар сафида минглаб коммунистлар борлигини таъкидлади. Хўш, улар фаолиятининг самараси қандай? Республиканинг Савдо, Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, Маҳаллий саноат, Енгил саноат министрликлари системасида хўжалик юритишнинг янги шароитларида ишда туб ўзгаришлар сезилмаётир. Уларнинг раҳбарлари ўрганиб қолинган услублардан воз кечишни сира хоҳламаётирлар. Масалан, тикувчилик бирлашмаси йил бошидан бери ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш шароитларида меҳнат қилмоқда— уч асосий кўрсаткич бўйича коллективнинг ўзи планларни шакллантирмоқда. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги бўлса ёрдам бериш ўрнига эскичасига ҳаракат қилиб, ўз билгича қарорлар чиқариб баъзан корхонага ҳалақит бермоқда.

Олдинига пленумда сўзга чиқиш нияти бўлмаган О. Соқиевнинг кейин сўз сўраганига ажабланишнинг ҳожати йўқ. Докладдаги аччиқ танқид унинг ҳаловатини бузган эди. Доклад фақат унга эмас, пленумнинг барча қатнашчиларига ҳам шундай таъсир қилди. Улар докладчига оғзаки ва ёзма равишда анчагина саволлар беришди. Музокарага чиққан ҳар бир кишининг сўзида конкрет, юзхотирсиз танқид ва ўз-ўзини танқид яққол сезилиб турди.

Район бўлса Тошкентда илғорлардан бири. Бу ерда анчагина яхши ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Корхоналар асосан муваффақиятли ишлашмоқда. Ишлаб чиқариш ва товар маҳсулотини реализация қилиш ярим йиллик топшириқ, шунингдек, меҳнат унумдорлигини ошириш ва таннархни камайтириш, социал-маданий-маиший объектларни ишга тушириш бўйича планлар бажарилди.

Аммо пленум қатнашчилари асосий эътиборни эришилган муваффақиятларга қаратишмади. Докладчидан сўнг улар қаерда ва кимнинг айби билан камчиликларга йўл қўйилганлигини ва қандай резервларни ҳаракатга келтириш зарурлигини таҳлил қилдилар.

Шундай факт келтирилди. Агар ўтган йилги ва шу йилнинг беш ойи якунлари бўйича районда биронта ҳам қолоқ корхона бўлмаган бўлса, ҳозирги кунда вагон-ремонт ва ғишт заводлари оқсаб қолаётир. Афсусланадиган ҳолми? Бўлмасамчи. Лекин пленумда шу фактни айтиш билангина чекланишмади. Ана шу икки партия ташкилотининг камчиликлари очиқ-ойдин айтилди, ишни ўнглаб олиш йўллари кўрсатилди.

Кировликлар олий сифат категориясига мансуб маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича топшириқларни уддалай олмаётирлар. Нима учун? Минбарга чиққанлар бунинг асосий сабаби давлат қабулига қониқарсиз тайёргарлик кўрилганида эканлигини айтишди. Чунончи, асбобсозлик заводи маҳсулот топширишнинг ана шу формасига ўтиш арафасида турибди. Худди ана шу лаҳзага келиб, корхона... аъло даражадаги маҳсулот салмоғини 14 дан 11 процентгача камайтириб юборди. Директор М. Галяутдинов ва партия ташкилотининг секретари Л. Трухачева ишда фаолиятсизлик кўрсатмоқда, технология интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида кам қайғурмоқдалар.

«Узбексельмаш» бирлашмасида эса давлат қабули анчадан бери ишлаб турибди. Аммо унга ёмон тайёргарлик кўрилди. Ҳозирда ҳам ҳукм сураётган бўшашувчилик ишларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Брак маҳсулотлар ишлаб чиқараётганлар шахсан аниқланмаётир, уларнинг гуноҳлари ишлаб чиқариш ҳисобига ёпиб юборилмоқда. Ана шундай хотиржамликка берилиш вазиятида партия ва хўжалик раҳбарлари бўлмиш А. Дубравин, Т. Маҳаметов ва Б. Слепаковлар ўзларини принципсиз тутмоқдалар. Бирлашма партия комитетининг вужудга келган вазиятга аралашмаётганини танқид қилиб, Ш. Маҳмудова бу ўринда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда район партия комитети ва биринчи секретарь сифатида унинг ўзи жиддий камчиликларга йўл қўйганликларини очиқ тан олди.

Умуман шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қайта қуриш жараёнида корхоналар партия ташкилотлари йўл қўйган камчиликларни очиб ташлар экан, докладчи бунинг учун асосий масъулиятни партия комитетлари ва коммунистлар билан баҳам кўрди. Район партия комитети бюроси секретарлари, аппаратининг иши ҳали эски издан тўла чиқиб олмаганлиги ўз-ўзини танқид асосида кўрсатиб ўтилди. Кабинетда ўтириб ишлаш услубидан бевосита коллективларда, бошланғич партия ташкилотларида ишлашга ўтиш жуда қийинчилик билан рўй бермоқда.

Район партия комитети фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи кенгаш фаолиятини лозим даражада жонлантиришга муваффақ бўлгани йўқ. Натижа шундай бўлдики, белгиланган 201 та тадбирдан бугунги кунда атиги 76 таси бажарилган.

Район партия комитетининг ишга ўз-ўзини танқид руҳида ёндашуви, унинг яқин вақт ва истиқболга мўлжалланган конкрет ҳаракатлар программаси маъқулланди. Сўзга чиққан ҳар бир нотиқ партия штабига қайта қуришнинг йўллари ва методларини кўрсатиб беришди, партия комитети эътиборини талаб қиладиган масалаларга тўхталишди. Нутқлардан айрим жойларини келтирамиз.

Асбобсозлик заводининг пармаловчиси Г. Крисина: Бир нечта корхоналардан бирлашма ташкил этилди, унга бизнинг коллектив ҳам кирган. Шундай қилиш, бизнинг назаримизда, шошқалоқлик бўлди. Бошқарув системаси мураккаблашди. Эндиликда кутилаётган уч босқичли тобелик ўрнига тўртта «тўсиқ» пайдо бўлди: завод — бирлашма—бош бошқарма— министрлик. Район партия комитетида бу проблемани таҳлил қилиб чиқиш ва унинг ҳал этилишига кўмаклашишни илтимос қиламиз.

Автоколонна шофери Б. Жўрабоев Ўзбекистон Автомобиль транспорти министрлиги колонна планини муттасил ўзгартираётганидан дарғазаб бўлиб гапирди. Район партия комитети бундай «бекарорлик» ҳақида билади, аммо у министрликка таъсир ўтказишга шошилмаётир.

Район ижроия комитетининг раиси Р. Ҳикматуллаевнинг нутқи кескин бўлди. Корхоналарнинг икки-уч сменали иш режимига ўтиши муносабати билан бу масаладаги сусткашлик уни безовта қилаётир. «Биз ҳозирча ишлар аҳволини тубдан ўзгартира олганимиз йўқ. Район партия комитети раҳбарлиги эса илгаридан қарор топган услубни синдиришда лозим даражада ёрдам бермаётир. Раҳбарлар оёқ тираб янгичасига ишлашни хоҳламаётирлар. Бу ўринда биз ҳаммамиз кўпроқ сабот-матонат кўрсатишимиз керак».

Қабул қилинган қарор пленум руҳига мос бўлди. У аниқ-равшан. Унда район партия комитети аъзоларининг барча истаклари ҳисобга олинди. Бошланғич партия ташкилотлари, район партия комитетининг ташкилотчилик ва сиёсий ишини яхшилаш имконини берадиган жиддий тадбирлар белгиланди.

## ЎЗИГА НИСБАТАН ТАЛАБЧАНЛИК БЎЛМАДИ

Собир Раҳимов районида ишлар кўпдан бери юришмаётир. Бу ерда бутун экономиканинг, социал ривожланишнинг ярим йиллик планлари барбод берилди. Давлат Сифат белгисига эга маҳсулотлар миқдори камайиб кетди. Шартномалар бўйича маҳсулот етказиб бериш даражаси 93,9 процентда қолди. Бу энг муҳим кўрсаткич бўйича топшириқларни корхоналарнинг ярмидан кўпи бажармаётир. Истеъмолчилар 5 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулотни кам олдилар, район мамлакатнинг 30 га яқин корхонасига панд берди. Прогуллар ҳисобига иш вақтини йўқотиш кескин кўпайиб кетди.

Ана шундай мураккаб вазиятда район партия комитети интизомсиз раҳбарларга нисбатан ҳайратланадиган даражада кўнгилчанлик қилмоқда. «Миконд» заводи, «Тошкент» мебель бирлашмаси, 6-қурилиш трести йил бошидан бери орқага кетишмоқда. Район партия комитети бюроси турғунлик ҳолатларини чуқур таҳлил қилмайди, уларга принципиал баҳо бермайди. Уларни бартараф этиш учун партия ташкилотлари куч-ғайратини суст йўналтирмоқда.

Шубҳасиз, бюронинг иш услуби биринчи секретарнинг позициясига кўп жиҳатдан боғлиқдир, Т. Аҳмедов фаолиятида эса уюшқоқсизлик, сусткашлик, ишга танқидий ёндашмаслик рўй бермоқда. Бу қусурлар қайта қуришга албатта тўғаноқ бўлади-да.

Район партия комитети навбатдаги пленумга ана шундай «багаж» билан келди. Худди шу пленумда вужудга келган вазият чуқур партиявий позициялардан туриб таҳлил қилинади, камчиликларни тузатиш йўллари ва методлари коллектив равишда белгилаб олинади, деб ўйлаган эдик. Бироқ, шундай бўлмади.

Чунончи, докладчи корхоналарни хўжалик ҳисобига ўтказиш ёмон бораётганлигини айтди. Ярим йил ичида бригада методи бўйича ишлаётган коллективлар сони ҳам кўпаймади. Кишини ташвишлантирадиган фактлар, нохуш рақамлар келтирилди. Хўш, район партия комитети ишларни яхшилаш учун қандай чоралар кўрди? Бундан буён вужудга келган вазиятни қандай тузатиш мумкин? Бу тўғрида на докладда, на музокарага чиққанларнинг нутқларида лом-мим дейилмади.

Ёки сифат проблемасини олиб кўрайлик. Олий категорияга мансуб сифатга эга бўлган товарлар ишлаб чиқариш бўйича район биринчи ярим йиллик планни атиги 88,5 процент бажарди. Масалан, «Тошкент» мебель бирлашмаси Сифат белгиси билан бирон дона ҳам буюм ишлаб чиқармади. Ваҳолонки, бу корхона давлат қабули шароитида ишламоқда. «Н» индекси билан сифати яхшиланган маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича топшириқ умуман район бўйича 56 процентга бажарилди. Бундай маҳсулотнинг улуши ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида атиги 6,4 процентни ташкил этадики, бу шаҳар бўйича ўртача кўрсаткичдан 3,5 баравар камдир.

Маҳсулот сифатини яхшилаш учун бошланғич партия ташкилотлари ва район партия комитети нима қилишлари керак эди, бундан буён нима қиладилар деган саволларга пленум минбаридан яна ҳеч қандай жавоб эшитилмади. Дарвоқе, бутун доклад ишларни қайд қилиш принципи бўйича тузилган эди. Докладда энг асосий нарса — камчиликлар сабабларининг таҳлили, бундан буёнги ҳаракатнинг аниқ программаси йўқ эди.

Ана шунда кишида завод ва фабрикалар коллективлари ўз-ўзича, район партия комитети ўз-ўзича иш кўрар экан, деган таассурот пайдо бўлади. Бошланғич партия ташкилотларининг ишлари ва ташвишлари район партия комитети учун ҳам ана шундай муҳим эканлигини ҳис этмайсан киши.

Докладнинг ўз-ўзини танқиддан йироқ мазмуни музокарага чиққан нотиқларга ҳам таъсир қилди. Мана, масалан, «Тошкент» бирлашмаси партия комитетининг секретари Х. Юсупжонов сўз олади. Бу коллектив ярим йилликни ишлаб чиқариш ва молия соҳалари бўйича планни бутунлай барбод қилиш билан якунлади. Ана шундай вазиятда партия ташкилоти раҳбари иш якунлари нега шундай бўлди, партия комитети ва маъмурият қайта қуришни қандай амалга оширмоқчи, деган саволларга жавоб бериши керак эди. Аммо... Юсупжоновнинг узундан-узоқ нутқида ҳеч қандай аниқ позиция ҳақида гап бўлмади. Унинг нутқи баландпарвоз цитаталар, умумий дабдабали чақириқлар, чиройли иборалар билан тўлиб тошган эди. Бундай нутқ залдагиларни таажжублантирди, холос.

«Бугун, — деди секретарь, — бирлашмамизда рўй бераётган воқеаларда иштирок этар эканман, мен ишлаб чиқаришни бошқариш — бутун бир фан эканини тушундим. Шунда менинг партком секретари сифатида бирданига ўзимнинг ташкилотчилик қобилиятимни янгичасига кўрсатиш, кўпгина масалаларни ҳал этишда дадилроқ бўлиш истаги туғилиб қолди. Бу шунчаки истак эмас, мутлақо бундай эмас. Ўзимда инсоний қобилиятларнинг улкан имкониятларини кўрдим, тўғрироғи ҳис этдим». Кўриниб турибдики, бу ўринда изоҳга хожат йўқ.

Пленумнинг бошқа қатнашчилари нутқи ҳам худди шундай руҳда бўлди ёки оддий ҳисобот беришга айланиб кетди. Ҳеч ким район партия комитети ишини танқид қилмади, ҳеч ким конкрет таклифлар айтмади, ишни яхшилашга қаратилган истаклар билдирмади. Нотиқлар ўзларининг барча камчиликларини бошқаларнинг елкасига ортишга уринишди. Чунончи, металлга ишлов бериш бўйича бирлашманинг бош директори М. Султонов фақат ўз камчиликлари тўғрисида енгил-елпигина гапирди, партия комитетининг нуқсонлари тўғрисида лом-мим демади. У дарҳол маҳсулот етказиб берувчиларни, республика Госплани ва Госснабини, бошқа корхоналар ва ташкилотларни айблашга тушиб кетди. Агар директорга ишонгудек бўлинса юқорида саналганлар бирлашма коллективига панд бераётган эмишлар.

Очиғини айтиш керак, пленумда принципиал, очиқ партиявий гап бўлмади. Қабул қилинган қарор ҳам мутлақо қониқтирмайди. У бошдан-оёқ умумий чақириқлар ва адрессиз топшириқлар беришдан иборатдир. Унда конкрет тадбирлар ва конкрет ижрочилар йўқ. Бундан кейинги қилинадиган ишларда бунақанги ҳужжатга қандай амал қилиб бўлади.

**В. АРТЕМЕНКО,**
**«Правда» мухбири.**

(«Правда», 1987 йил 26 август).

# АВГУСТ ПЕДАГОГИКА КЕНГАШЛАРИ

**БУГУН шаҳарнинг 16 мингдан зиёд ўқитувчиси, мактабгача ёшдаги муассасаларининг саккиз мингга яқин ходимидан иборат бўлган халқ маорифи ходимлари ўзларининг анъанавий август педагогика кенгашига йиғилдилар.** Улар Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги ва янги ўқув йили арафасида КПСС XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг январь, июнь (1987 йил) Пленумлари ҳамда Ўзбекистон ўқитувчиларининг VIII съезди қарорларидан келиб чиқиб замонавий талаблар даражасида мактаб фаолиятини тубдан қайта қуриш масалаларини муҳокама қилмоқдалар, умумий ўрта таълим ва ҳунар мактаби ислоҳотини амалга оширишдаги камчиликларни бартараф этиш ҳамда бу борада партия, совет ва хўжалик органларининг раҳбарлик фаолиятини ошириш тадбирларини белгиламоқдалар.

Партия, совет органлари, база корхоналарининг раҳбарлари иштирок этаётган кенгашлар шаҳарнинг барча ўнта районида бўлиб ўтмоқда.

Ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялашни янада такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг ишини қайта қуриш, уларнинг ижодий активлигини ошириш, ошкоралик шароитида ҳамкорлик ва ўз-ўзини бошқаришни такомиллаштириш ҳар бир мактабда ижодкорлик вазиятини яратишга қаратилган масалаларни муҳокама қилиш ўқитувчиларнинг диққат марказида турибди Ўқитувчилар қизғин баҳсларга айланадиган клубларнинг ишида қатнашиб, ана шу ҳақда очиқ-ойдин фикр юритадилар. Бундан ташқари август кенгашларида педагогларнинг ҳар бири новатор-ўқитувчиларнинг иш тажрибаси ва методини бемалол ўргана оладиган консультация пунктлари ҳам ишлай бошлади.

28 августдан 29 августгача шаҳарнинг 25 та мактабида бўлиб ўтадиган секция мажлисларида ўқитувчиларнинг ижодий ҳисоботлари тингланади, тажрибалар алмашиш кўзда тутилган. Бу секцияларда методика асосида ўқитишни ўрганишга катта эътибор берилади. Бу методикалар ўқув планларини такомиллаштириш, педагогика фанлари тавсияномаларидан фойдаланган ҳолда ўқитиш методикасини яхшилаш, илғор педагогика тажрибасини кенг ёйишга қаратилган.

Бугунги катта август педагогика кенгашларининг асосий шиори ташаббус ва ижодкорлик кўрсатишдан иборат.

**Замондошимиз**



## Пешқадам бўлиш шарафи

**Кўзларидан севинч балқиб турган бу қизнинг ҳаракатлариёқ одамни сеҳрлайди. Гапиришлари каби қарашлари ҳам тетик.**

**— Касбингизни севасизми, — сўраймиз ундан.**

**Марина кулади. Қалбидаги энг нозик туйғуларни қўшиққа солаётган санъаткордек бир зум хаёллар дунёсига ғарқ бўлади. Шу дамда унинг кўнглидан нималар кечаяпти, экан! Эҳтимол студентлик йилларининг олтинга тенг даврларини эслаётгандир у. Балки илк бор «аъло» баҳо олиб уйидагиларини қанчалик қувонтиргани ёдига тушгандир. Нима бўлганда ҳам энди у студент эмас, бугунги қайноқ ҳаётнинг қайта қурувчиси, юқори малакали мутахассис.**

**— Севгисиз инсон эришадиган бирон-бир муваффақиятни тасаввур ҳам этолмайман, — дейди Марина Саркисова тўлқинланиб. — Ўзингиз ўйланг, қалбингиз ёниб бир ишга даъват этиб турмаса бирон-бир юмушни бажаришга қўлингиз борадими! Йўқ, албатта. Шунинг учун ҳам мен одамлардаги касбга муҳаббатни юксак қадрлайман. Халқ хўжалиги институтида таҳсил олган йилларимда тўпланган назарий билимларимни ҳозир амалий тажрибалар билан анча мустаҳкамлаб олдим. Аммо инженер-иқтисодчи бўлиш осон иш эмас. У одамдан катта масъулият ва чуқур билимни талаб этади. Айниқса, қайта қуриш ва жадаллаштириш программаси ҳаракат дастуриламалимизга айланган ҳозирги кунларда бундай фидойиликнинг самараси катта.**

**«УзГИПРОГаз» институти иқтисодчи-инженери Марина Саркисова учун бу касб ҳақиқатан ҳам тасодифий эмаслиги кўриниб турарди. Шу боисдан бўлса керак, олий ўқув юртини у 1985 йилда тугатиб, коллективда муваффақиятли иш бошлай олди. Мана, орадан ўтган вақт мобайнида ёш, тадбиркор мутахассис сифатида у кўпчилик эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда. Берилган топшириқни тез ва пухта уддалаши билан тилга тушаётир. Комсомол аъзоси Марина Саркисова институт лойиҳачи ёшларига ҳам бош-қош. У комсомол ташкилоти секретарининг ўринбосари сифатида йигит ва қизлар, ёш мутахассислар билан иш олиб бормоқда. Уларни давр белгилаб берган вазифаларни оғишмай амалга оширишга руҳлантираётир.**

**СУРАТДА: Марина Саркисова.**

**Т. Каримов фотоси.**

**Биродарлашган шаҳарлар дўстлашмоқда**

# «Меҳмондўст тошкентликлар...»

**Югославия Социалистик Федератив Республикаси Скопье касаба союзларининг шаҳар совети делегациясининг Тошкентга қилган сафари ниҳоясига етмоқда. Кеча Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари А. И. Фозилбеков делегацияни қабул қилди. У КПСС XXVII съезди қарорлари асосида шаҳар партия ташкилотларининг амалга ошираётган вазифалари ва кўпгина социал масалаларни ҳал этаётганлиги тўғрисида ҳикоя қилиб берди.**

**«Оқшом» газетасининг мухбири саволларига Скопье касаба союзлари шаҳар советининг раиси Шаҳин Ориф қуйидагича жавоб берди:**

**— Сизнинг Тошкентга қилган сафарингиз асосий мақсади нималардан иборат!**

— Бизнинг шаҳарларимиз биродарлашганлиги туфайли Скопье шаҳрининг номини кўплаб тошкентликлар яхши билишади. Скопьеда эса Ўзбекистон ва унинг пойтахти Тошкент сўзлари фахр билан тилга олинади. Шаҳарларимиз дўстлик алоқасини ўрнатганлигига анча йиллар бўлди. Бироқ кейинги йилларда муносабатларимиз янада таъсирчан, ижодий тусда ривожланмоқда. Яқинда «Тошкентда Скопье ҳафталиги» бўлиб ўтди. Унинг барча қатнашчилари шаҳримизга боришгандан кейин Ўзбекистон диёрида қандай кутиб олинганликлари тўғрисида завқ-шавқ билан ҳикоя қилиб беришди. Яқинда яна шундай ҳафталик Скопьеда бўлиб ўтади. Икки шаҳар ўртасидаги алоқаларимиз кенгаймоқда ва мустаҳкамланмоқда. Дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда ишчи коллективларнинг иштирок этуви қувонарлидир. Тошкентдаги иккинчи пойафзал фабрикасининг ишчилари сентябрь ойида Скопьедаги «Газела» фабрикаси пойафзалчилари ҳузурига меҳмон бўлиб бориш истагини билдирдилар. Алоқаларимизнинг бундай шакли энг замонавийдир. Бундан буён тўқимачилар, химия ва электро-техника саноатининг меҳнатчилари бизнинг диёримиздаги ҳамкасблари билан ҳам иш тажрибаларини баҳам кўришлари мумкин. Бевосита алоқалар — дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларидир.

Қайта қуриш шароитида энг оммавий жамоат ташкилоти бўлган касаба союзларининг фаолияти янада ривожланмоқда. Биз Тошкент корхоналарида бўлганимизда касаба союзлар социал масалаларга қандай катта аҳамият бераётганлигига яққол ишонч ҳосил қилдик. Тошкентдаги бадиий буюмлар фабрикасида асосан хотин-қизлар меҳнат қилишар экан. Корхона раҳбарларининг берган маълумотлари ва ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита танишув натижасида бу корхонада 14 миллат ва элат вакиллари меҳнат қилишаётганлигини билиб олдик. Фабрикада социал соҳада талай ишлар амалга оширилмоқда. Касаба союзлар ишчиларнинг маиший аҳволи ва дам олишига биринчи даражали аҳамият бермоқда. Бу ерда клуб, болалар боғчаси ва яслиси, ошхона ҳамда бир қатор қулайликлар муҳайё этилганлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди.

Шунингдек, «Ташсельмаш» заводи билан ҳам танишдик, касаба союз комитетида суҳбатлашдик, социал маданий ва маиший объектларни бориб кўрдик. Барча корхоналарнинг раҳбарлари фаолияти ошкоралик, касаба союзлар билан ҳамжиҳатлилиги қувонарлидир.

**— Сиз касаба союзларнинг шаҳар совети раиси бўлиб сайлангунингизга қадар ким бўлиб ишлар эдингиз!**

— Мен ишчидан чиққанман. Скопьедаги автобус заводида 25 йил давомида машиналарнинг ўриндиқларини йиғувчи бўлиб ишладим. Турли жамоат ташкилотларга бир неча марта сайландим, Югославия коммунистлари союзининг Марказий Комитети аъзоси ҳам бўлдим. Энди касаба союз арбобиман. Бу фаолиятим халқ билан чамбарчас боғланганлиги учун уни севаман. Ҳамкасбим, касаба союзлар шаҳар совети президиумининг аъзоси Мирослава Кирланова мен билан бирга ишлайди. У экономика масалалари билан шуғулланади. Мамлакатимиз халқ хўжалигини иқтисодий стабиллаштириш иқтисодий қийинчиликларни бартараф этишда яқиндан ёрдам бермоқда.

**— Тошкентдан олган таассуротларингиз қандай!**

— Тошкент билан танишув унинг одамлари билан танишув демакдир. Тошкентликлар чиндан ҳам меҳмондўст, очиқ чеҳрали, ажойиб кишилар экан. Биз ўзимизни чинакам дўстлар хонадонида меҳмон бўлгандек ҳис қилдик.

Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасидаги кўпгина экспонатлар Ўзбекистон ва унинг пойтахти Тошкент тўғрисида атрофлича ҳикоя қилар экан. У ерда телевизион минорага кўтарилдик. Ўзбекистон пойтахтининг кўпгина районларини томоша қилдик, пионер лагерларида болаларнинг дам олиши билан танишдик.

Тинчлик ва хотиржамлик — яхши турмуш белгисидир. Мен бу ерда кўрган яхши нарсаларимнинг ҳаммасини Скопьега борганимда ҳикоя қилиб бераман. Энг муҳими халқ учун ташкил этилган касаба союзларимиз ўз фаолиятига кўра бир-бирига ўхшар экан. Демак, ишчи коллективлар билан алоқаларимизни йўлга қўйиш қулай кўринади. Фойдали ҳамкорлик самарали алоқаларни кенгайтиришимизда қўл келадиган турдош корхоналаримиз бор. Ҳамкорликнинг янги-янги шакллари бир-биримизнинг иш тажрибамизни ўрганиш имконини беради. Ўйлайманки, КПСС XXVII съезди белгилаб берган улкан режалар ва вазифаларни амалга оширишда совет халқи шубҳасиз муносиб марраларни эгаллайди.

# ЯНА БИР МУВАФФАҚИЯТ

Аввал хабар қилганимиздек, тошкентлик спортчи Жамолиддин Абдужабборов яқинда шосседа велосипед пойгаси бўйича Европа чемпиони унвонини қўлга киритган эди. Мамлакат терма командаси составида жаҳон биринчилигига тайёргарлик кўраётган ҳамшаҳримиз куни кеча Вильнюс шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда яна бир муваффақиятни қўлга киритди. У 150 километр масофани ҳаммадан тез босиб ўтиб, биринчи ўринни эгаллади.

